

БАХС - икки шоир орасида бахс, мунозара тарзида юзага келган лирик шеър. Бахс мазмунидаги асарларда асосан, муаллиф дунёкараши билан боглик ижтимоий-сиёсий ва ахлокий масалалар акс эттирилади.

Мукимийнинг Мухйига юборган «Бўлдим» шеъри, Хамзанинг баъзи жадидларга карата ёзган «Гапур», Абдулла Авлонийнинг Юсуф Сарёмийга багишланган «Галат», Гайратийнинг Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеърига жавоб тарзида ёзилган «Тузалган ўлкага», Ботунинг Фитрат каламига мансуб «Менинг кечам» шеърига жавобан битилган «Менинг кундузим» асарлари ушбу жанрнинг типик намуналаридир.

Шеърхонлар яхши билишадик, Г.Гуломнинг «Кулол ва заргар» шеъри М и р м ухсиннинг «Бир кулол ўгли эдим» асарига, Миртемирнинг «Тортик» асари (Эркеш шоирга жавоб) тарзида битилган. Демак, бахс жанри мавзу доираси гоъвий кураш билан чекланмай, хамфикрлик, дўстлик ва хамжихатлик хам бўлиши мумкин.